



Ислом Нури

«...» : «...» : «...»

Имом Муслим Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди уларни зиёрат қилаверинг». Имом Термизий ривоятида: «Чунки у сизларга охиратни эслатади», деб қўшиб қўйилган.

«...» : «...» : «...»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Бурайда розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қабристонга чиққанда шундай дейишни ўргатардилар: «Ассалому алайкум ушбу диёр аҳли бўлмиш мўмин мусулмонлар, биз ҳам албатта сизнинг ортингиздан келувчимиз, бизга ва сизларга Аллоҳдан офият сўрайман»

«...» : «...» : «...»



Ислом Нури

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Марсад розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қабрларга юзланиб намоз ўқиманглар, улар устига ўтирманглар» деганларини эшитганман.

«Қабрларга юзланиб намоз ўқиманглар, улар устига ўтирманглар» деганларини эшитганман. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қабрларга юзланиб намоз ўқиманглар, улар устига ўтирманглар» деганларини эшитганман.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз чўғ устига ўтириши, чўғ унинг кийимини куйдириб, баданига етиши у учун қабр устига ўтиргандан яхшироқдир».

Шарҳ:

Қабрларни зиёрат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари бўлиб, ўзлари буни қилганлар ва бошқаларни ҳам шунга буюрганлар, бу нарса кишига охиратни эслатиб туришини айтганлар. Зеро, оқил инсон ўзининг бу дунёдаги охири қароргоҳини кўрар экан, бу шубҳасиз, унинг дунёга ҳирс қўймаслигига ва охиратдаги абадий ҳовлисини обод қилишга юзланишига сабаб бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қабрларни зиёрат қилиш суннат, бундай қилиш кишига охиратни эслатади.
2. Қабристонга кираётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганларидек салом бериш суннатдир.



3. Қабрларга юзланиб намоз ўқиш ҳаром қилинган, чунки бу уларга сиғинишга олиб бориши мумкин.
4. Қабрлар устига ўтириш мумкин эмас.